



135

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 у.г «5» феврал

№ 138-13

Ishtixon sh.-г.Иштыхан


Иштихон шаҳри Иштихон кўчаси ҳудудидан
фуқаро Бекназаров Баходирга “Савдо дўкони”
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон шаҳри Иштихон кўчаси ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги заҳира фондида бўлган, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонида қурилиши режалаштирилган “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплекси”ни жойлаштириш бўйича “Давархитектқурилиш” кўмитасининг “Регламенти”га асосан “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институтининг 2014 йил 10 апрелдаги 1-10/1268-сонли ижобий хулосасини, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2015 йил 24 августдаги 01-776-сонли хатини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2015 йил 6-октябрдаги 1661-сонли хулосасини, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг 2016 йил 26 январдаги 3-сонли далолатномасини ҳамда фуқаро Бекназаров Баходирнинг “Савдо дўкони” қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институтининг 2014 йил 10 апрелдаги 1-10/1268-сонли хати, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2015 йил 24 августдаги 01-776-сонли хати, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2015 йил 6-октябрдаги 1661-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг 2016 йил 26 январдаги 3-сонли далолатномаси тасдиқлансин.
2. Иштихон шаҳри А.Навоий ва Иштихон кўчалари ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги заҳирасидаги бўш турган ер майдонида “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплекси” қурилиши режалаштирилган ҳудуддан фуқаро Бекназаров Баходирга “Савдо дўкони” қуриш учун пойдевор ўқидан 4.0x5.0 метр ўлчамда ҳамда зина ва қириш қисми ер майдони билан биргаликда жами 30.0 (уттиз) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Бекназаров Баходирга ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда ушбу қурилган бинони фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ажратилган ер майдонида “Савдо дўкони” қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

 Ш.Негматов